Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 19-yanvar. Seshanba • 9 (32.068) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз билан 2015 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифим чоғида учрашганим менга улкан мамнуният бағишлади. Шахсан Сизга ва Ўзбекистон ҳукумати вакилларига самимий қабул ҳамда самарали мулоқотлар учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизнинг хусусий секторни Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айлантириш борасидаги стратегик концепциянгизни юксак баҳолайман ва қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон кейинги ўн йиллар давомида эришган улкан ютуқлар ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада ривожлантириши учун тараққиётнинг янги усулларини топиши зарур деган фикрга тўла қўшиламан. Давлат секторини бошқариш самарадорлиги ва очиқлиги халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилаётган Ўзбекистонда замонавий технологиялар билан жиҳозланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган хусусий сектор бундай ўсишни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, Жаҳон банки гуруҳи Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва ўзаро шериклигимизнинг навбатдаги концепцияси доирасида мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти янада юксалиши йўлида ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Самимий эҳтиром билан,

Сирил МЮЛЛЕР,
Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси бўйича ўз позициясини маълум қилди

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда.

Аввало айтиш керакки, мазкур қонун лойиҳаси барча сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилган ва концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланган эди. Айни пайтда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш бўйича фракциялар томонидан таклифлар тайёрланмоқда.

13 январь куни парламент Қонунчилик палатасидаги Демократик кучлар блоки йиғилишида қонун лойиҳаси муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланди ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда эълон қилинишига қарор қилинди. Бироқ Ўзбекистон ХДП фракцияси қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишида партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, қонун лойиҳасидаги айрим меъёрлар бўйича ўз позициясига эга эканини маълум қилди.

Хўш, масаланинг моҳияти қандай? ЎзХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича илгари сураётган таклифларнинг аҳамияти нимадан иборат?

► *Давоми 2-бетда.*

ТАДБИР

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида билдирилган фикрлар, илгари сурилган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Табрикда қайд этилганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга жуда яхши тасаввур этамиз, — деди **Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори Муҳаммадхон Ҳамидов.** — Бугун жаҳонда вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга, дунёда кечаётган турфа жараёнларга теран назар ташлашга ундайди. Айниқса, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, уларнинг билими ва дунёқарашини ўстириш биз, ўқитувчиларга катта масъулият юклайди.

— Инсон тақдири ўз Ватани тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар кимнинг кўнглидаги орзу-ниятлари амалга ошиши учун аввало юрт тинч бўлиши, одамлар ҳеч қандай ҳадиксиз яшаши, меҳнат қилиши керак, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов.** — Бугун дунёда кечаётган мураккаб сиёсий жараёнларни кузатар эканмиз, юртимиздаги тинчлик, осойишта кунларимизга яна бир бор шукрона айтамиз. Бунинг ортида Ватан ҳимоячиларининг фидокорона хизмати ётибди. Биз улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш билан боғлиқ долзарб вазифалар қаторида ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш масаласини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Демак, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни кўпроқ ташкил этишимиз, таъсирчан воситалардан кенгроқ фойдаланишимиз керак.

Тадбирда сўзга чиққанлар ватанимиз мудофаа қудратини ошириш, бу борадаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш каби масалалари бўйича ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан давом этди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси халқимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, тегишли хулосалар чиқариб олинмоқда.

Маърузада келтирилган рақамлар, маълумотлар юртимиз тобора обод бўлиб, халқимиз ҳаёти фаровонлашиб бораётганини кўрсатади. 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларида қайд этилган рақамлар, вазифалар эса тараққиётимизни яна бир поғона юқорига олиб чиқишга хизмат қилади. Маърузани ўқиб, ўрганаётган партиямиз фаоллари, юртдошларимиз ана шундай фикрларни билдирмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган барча даражадаги депутатлар, партия ташкилотлари етакчилари ва фаоллар ушбу кенг қамровли маърузанинг мазмун-моҳияти, халқимиз тақдири, жамиятимиз ҳаёти, тараққиётидаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқда. Давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси, электорат манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича янги вазифалар белгилаб олинмоқда.

► *Давоми 2-бетда.*

Қайси мамлакатда ёшлар масаласи эътибордан четда қолган, маънавий қадриятлар оёқ-ости қилинган бўлса, ўша жойда порокандалик, инқироз кузатилмоқда. Буни шу кунларда айрим хорижий мамлакатларда бўлаётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Турли хуружлар, ғоявий таҳдидларга қарши тура оладиган, ўз мустақил фикри, дунёқарашига эга бўлган йигит-қизлар ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлигидир.

Ёшлар таълим-тарбияси — долзарб, муҳим масала

3

ЯНГИЛИКЛАР, БУНЁДКОРЛИКЛАР, ХАБАРЛАР...

Бухоро

Илмий-назарий семинар ҳарбийларга бағишланди

Бухорода бир гуруҳ ҳарбийлар ва ўқитувчилар иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — тинчлик ва осойишталигимиз таянчи» мавзусида илмий-назарий семинар ўтказилди. Бу ҳақда «Бухоронома» газетаси хабар бермоқда.

Мудофаа вазирлигининг Бухоро шаҳридаги «Н» ҳарбий қисми ҳамда вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилган туб ислоҳотлар, тинч ва осуда ҳаётимизни асраш борасида қилинаётган ишлар, ёш авлодни мардлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбир давомида, шунингдек, тинчликнинг қадрига етишга, ён-атрофимизга ҳамиша огоҳлик кўзи билан боқишга ундовчи видеолавҳалар ҳам намойиш қилинди.

Самарқанд

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди

Самарқанд шаҳрида ўтказилган йиғилишда 2015 йилда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг, шунингдек, диний экстремизм билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси хабар бермоқда.

Таъкидландики, ўтган йилда амалга оширилган тадбирлар натижасида вилоятда умумий жиноятлар сони камайди. Айниқса, қасддан одам ўлдириш 1,9, босқинчилик 2,2, безорилик 1,2, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 9,3, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 28,6, шунингдек, гуруҳлар томонидан жиноят содир этилиши 3,9, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан жиноят содир этилиши мос равишда 4,7 ҳамда 3,1 фоизга камайган.

Йиғилишда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқди.

Қашқадарё

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча шароит яратилган

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида вилоят фаоллари билан тиббиёт ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу ҳақда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда вилоят ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча шароитлар яратилгани, даволаш муассасалари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланганини алоҳида таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, айни пайтда вилоятда 55 шифохона, 256 ҚВП, вилоят скрининг маркази, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази, 4 туғуруқ комплекси, 11 туғуруқ бўлими, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, 5 болалар шифохонаси, 15 болалар бўлими, 6 юқумли касалликлар шифохонаси, 10 оилавий ва 14 кўп тармоқли марказий поликлиника аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларда 5200 нафарга яқин шифокор, 28500 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 ЙИЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 450 ДАН ОРТИҚ СЎРОВ ЮБОРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 52 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 52 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 10 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ШУНДАН ПАРТИЯ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ АСОСИДА 16 МАСАЛА ЎРГАНИЛДИ.

2010-2015 ЙИЛЛАРДА «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ» ЛОЙИҲАСИ ДАВОМИДА ЖОЙЛАРДА 5 МИНГГА ЯҚИН УЧРАШУВ, МУЛОҚОТ ВА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. АҲОЛИДАН ТУШГАН МУРОЖААТЛАР ЮЗАСИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИГА 200 ГА ЯҚИН МАСАЛА КИРИТИЛДИ.

МУНОСАБАТ

■ Мамлакатимизни тараққий эттириш, иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш масалаларида партиямиз ташкилотлари, барча даражадаги депутатлик бирлашмалари олдида долзарб вазифалар турибди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ ЮКСАЛМОҚДА

Баҳромжон ОБИДЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз ўз маърузасида дастлаб ўтган йилда амалга оширилган ислоҳотлар, катта аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг мамлакатимиз ривожи ҳақидаги таҳлилий хулосаларига эътиборимизни қаратди. Аввало, шуни айтиш керакки, 2015 йилда эришилган улкан ютуқлар иқтисодиётимиздаги юксалишлар, халқимиз турмушидаги ўзгаришларда яққол акс этди. Буни ижтимоий соҳада эришилган натижалар мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Ўтган йили аҳоли бандлигини таъминлаш, аввалгидек, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари ҳар доимгидек, эътибор марказида бўлди. Шу даврда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган бўлса, шунинг 60 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Қувонарлиси, касб-ҳунар коллежларининг 480 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Уларга тижорат банклари томонидан 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди. Битирувчи ёшларимиз шу асосда ўз ишини йўлга қўйиб олди. Булар айтишга осон албатта. Аввало, чуқур ўйлаб олиб борилган сиёсат, ўз вақтида кўрилган чоратадбирлар, матонатли меҳнат эвазига бу ютуқларга эришилмоқда.

Биз аҳоли, сайловчилар билан учрашганимизда жойлардаги янгиланишлар, ўзгаришлар одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Улар катта-катта орзу ниятлар билан меҳнат қилишаётганини айтишади. Айниқса, ёш фермерлар, коллежни битириб, ўз ишини йўлга қўйган йигит-қизларнинг ёниб турган кўзлари кўп нарсадан гувоҳлик беради.

Иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ўсиши, янги иш ўринлари яратилиши биринчи навбатда аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Биз тарғибот ишларида бу масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

— Ҳар йили бўлгани сингари 2015 йилда ҳам таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш учун давлат Бюджети ҳисобидан катта маблағ сарфланди. Маърузада алоҳида қайд этилганидек, 384 объектнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди.

> Бугунги замон биздан фидойи бўлишни, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишни талаб этади.

Лола ИЛИЕВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири, Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

Энди ўйлаб кўрайлик, бу рақам ва кўрсаткичлар нимани англатади? Биринчи навбатда, ёшларимизга эътибор ва ғамхўрлик намунаси бу, деб ўйлайман. Улар чуқурроқ билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шароитлар яратиб берилаётганини кўрсатади. Таълим-тарбия жараёни такомиллашиб бораётганини билдиради.

Ана шулар ҳақида гапирганда, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилинганини алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 15 таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларда олий ўқув юртларининг 2 минг 700 нафарга яқин ўқитувчиси малака оширди.

Бизнинг олий таълим муассасамизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, малакасини доимий ошириб боришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз маърузасини ўқиб, таълим соҳасига ўзини дахлдор ҳисоблаган ҳар бир инсон зиммасида ҳали жуда катта вазифалар турганини ҳис қилдим. Бугунги замон биздан фидойи бўлишни, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишни талаб этади.

Барно САНАҚУЛОВА, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоси:

— Президентимиз маърузада 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига тўхталаркан, хусусан, жорий йилда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 йирик инвестиция лойиҳасини белгиланган муддатларда сўзсиз ишга тушириш лозимлигини қайд этди. Албатта, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш иқтисодиётимизнинг барқарор ва тез суръатларда ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу улкан лойиҳалар амалга ошиши қанчадан-қанча юртдошларимиз ишли бўлишига, қанчадан-қанча оилаларнинг фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, 2016 йилда қишлоқ жойларда 1 миллион 800 минг квадрат метрдан зиёд ҳажмдаги 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 900 километр ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари, 325 километр йўл қурилиши мўлжалланаётгани ҳам таъкидланди.

Қишлоқ жойларида бу каби шарт-шароитларнинг яратилиши, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган аҳоли вакиллари учун муҳимдир. Барча ўзгариш ва янгиланишлар асосида эса мустаҳкам иқтисод туради. Агар мамлакатнинг иқтисодиёти барқарор бўлмаса, ривожланишнинг аниқ режалари мавжуд бўлмаса, бу мақсадларнинг бирортасига эришиб бўлмайди. Демак, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шундай шароитда ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилишимиз ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Назира МАТЁҚУБОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:

— Маърузада келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар жорий йилда ҳам эътибор марказида бўлади. Маърузада алоҳида таъкидланганидек, бу йил ижтимоий соҳага давлат Бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилади. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат Бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилдагига қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди.

Дунёда мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кескинлашиб бораётган, молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани ҳақида ўйлайдиган бўлсак, бу кўрсаткичларнинг қанчалик муҳим ва қадрли экани яққолроқ намоён бўлади.

Президентимиз маърузада бизнинг партиямиз учун муҳим бўлган яна бир масалага алоҳида эътибор қаратди. Яъни ҳар йили касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудида қандай янги объектлар ишга туширилиши, уларда меҳнат қилиш учун қайси мутахассисликлар бўйича кадрлар керакligини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ғоят муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ушбу масалада Ўзбекистон ХДПнинг минтақавий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари янада фаол ва ташаббускор бўлишлари талаб этилади. Партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар, ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирлари асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига таклифлар билан чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, мамлакатимизни тараққий эттириш, иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш масалаларида партиямиз ташкилотлари, барча даражадаги депутатлик бирлашмалари олдида долзарб вазифалар турибди. Уларни бажариш учун ҳар биримиз зиммамизда турган масъулиятни чуқур ҳис қилишимиз, ўзимизга ва бирбиримизга талабчанликни янада оширишимиз зарур.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси бўйича ўз позициясини маълум қилди

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу саволларга жавоб топиш учун айрим маълумотларга тўхталиб ўтиш жоиз. Амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, хўжалик операцияларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини қамраб олган. **Лекин Қонуннинг айрим моддалари ва нормаларини қўллашда охирги йилларда қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларига нисбатан номувофиқликлар келиб чиқяпти. Бу эса хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда судлар фаолиятида маълум қийинчиликларни юзага келтиряпти.**

Бюджет кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Қонунга 2013-2014 йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари масалаларида айрим ёндашувларни ўзгартириш ва молиявий ҳисобот шаклларини қисқартириш имконини берди. Ўз навбатида, динамик ривожланаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруратини туғдирди. Шунинг учун Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш эҳтиёжи вужудга келди.

Энди бевосита парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасига тўхталсак. Ундан кўзланган мақсад — қонундаги алоҳида моддаларни қайта кўриб чиқиш, янги ва аниқлаштирувчи меъёрларни киритиш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби тизими халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ тарзда янада ривожланиши учун ҳуқуқий шароит яратиб беришдан иборат.

Қонун лойиҳасида қатор масалалар кўзда тутилмоқда. Жумладан, қонун лойиҳасида бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ҳуқуқлари («Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунга мос равишда) очиб берилган.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишда 20 дан ортиқ бухгалтерия миллий стандартларига амал қилиб келинаётган бўлса-да, амалдаги Қонун матнида ушбу стандартлар ҳақида тушунчалар ўрин олмаган. Қонун лойиҳасида бу борадаги номувофиқликни бартараф этиш масаласи ҳисобга олинган. Шунингдек, «бухгалтерия ҳисоби» ва «бухгалтерия ахбороти» каби тушунчалар алоҳида модда сифатида назарда тутилмоқда.

Албатта, ушбу меъёрлар келажакда бухгалтерия тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Айнан юқоридаги сабабларга кўра фракциямиз қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал нуқтаи-назардан қўллаб-қувватлади.

Лекин қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракциямиз аъзолари айрим меъёрлар бўйича партиямиз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўз таклифларини билдирди.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Бизнинг фикримизча, янги таҳрирда қабул қилинадиган қонун бухгалтерия тизими билан боғлиқ барча муносабатларни қамраб олиши, давлатимиз сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишларига мос келиши лозим. **Қонун лойиҳасидаги айрим меъёрлар эса ушбу тамойилга тўғри келмаяпти.** Мисол учун, қонун лойиҳасида мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби субъекти бухгалтерия хизматининг раҳбари олий маълумотга эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Маълумки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган сиёсат партиямиз Сайловолди дастуридан алоҳида ўрин олган. Шу боис юқоридаги меъёр мамлакатимиз касб-ҳунар коллежларини бухгалтерия мутахассислиги бўйича битираётган кўплаб умидли ёшларимизнинг ҳуқуқларини чеклайди, имкониятларини қисқартиради, деб ҳисоблаймиз. Таклифимиз шундан иборатки, бухгалтерия хизматининг раҳбари бўлиш учун охирги беш календар йилидан камида уч йили бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ иш стажига эга бўлишнинг ўзи етарли. Қонунга бу масалада қўшимча талаб киритишнинг зарурати йўқ.

Саҳобиддин АРЗИКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Бундан ташқари, қонун лойиҳасига кўра, барча бухгалтерия ҳисоби субъектининг бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарлари уч йилда бир марта малака оширишдан ўтиши кўзда тутилган эди. Аммо Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари таклифига асосан масъул қўмита томонидан ушбу меъёрга фақатгина аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектининг бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарларига нисбатан қўлланилишини назарда тутадиган ўзгартириш киритилди. Бу эса мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлмаган корхона ва ташкилотлар бухгалтерия хизмати раҳбарларининг ўз устида ишламаслигига, иқтисодиётимизда, молия ва солиқ соҳаларида бўлаётган ўзгаришлардан бехабар қолишларига олиб келиши, натижада бухгалтерия ҳисоби юритилишида хато ва камчиликларга йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун қонун ташаббускори (Вазирлар Маҳкамаси) томонидан киритилган меъёр қонун лойиҳасида қолдирилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Зулайҳо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш жоиз. Партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига электоратимиз ҳисобланган пенсионерлардан тушаётган қатор мурожаатларда ёшга доир нафақага чиқиш учун талаб этиладиган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни олишда қийинчиликлар келиб чиқаётгани айтилмоқда.

Бундай ҳолатлар, айниқса, либерал-демократларнинг асосий таянчи бўлмиш хусусий секторга таллуқлидир. Корхоналар, тадбиркорлик субъектларида иш стажи, иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотлар доимий ёки тўлиқ сақланмаслик ҳолатлари йўқ эмас. Худди, шунингдек, тугатилган корхоналарда юритилган тегишли молиявий ҳужжатлар архивга топширилмай қолган ҳолатлар мавжуд. Бу эса айрим ҳолларда фуқароларга пенсия миқдорини тайинлашда муайян қийинчиликлар, англашилмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Қонун лойиҳасининг «Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш» номли моддасида бухгалтерия ҳужжатлари ҳисобот йилидан кейин камида беш йил муддат мобайнида сақланиши кўрсатилган. Юқоридаги каби ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш муддатини қайта кўриш, шунингдек, тугатилаётган корхоналарнинг молиявий ҳужжатларини айнан мана шу қонун билан архивларга топшириш мажбуриятини юклашимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш берувчиларнинг ходимларнинг ҳуқуқ-манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатларни бекаму-кўст сақлаш бўйича масъулиятини оширишга, сарсон-саргардончиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фракциямиз аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида келтирилган «ички назорат» ҳақидаги меъёр бевосита «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг объекти эмас. Мулкий шакли, таркиби, молиявий операциялари ҳажмидан келиб чиқиб, ушбу жараённи ҳар бир корхона ички ҳужжатларида акс эттириши керак. Шунингдек, қонун лойиҳасида хўжалик юритувчи субъект ва унинг бухгалтерия хизмати раҳбари ўртасида юзага келган низонинг ҳал этилиши ва жавобгарликнинг тақсимланиши билан боғлиқ меъёр белгиланмоқда. Фракциямиз аъзоларининг таъкидлашича, бу масала ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартиб-қоидалари билан белгиланиши лозим.

ЎзХДП фракцияси аъзолари юқоридаги таклифлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга, келгусида бухгалтерия ҳисобининг шаффофлигини, ички назорат тизимини таъминлашга, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерларнинг ҳуқуқий масъулиятини кучайтиришга, шунинг билан бирга, мазкур соҳада қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилиш сўнггида масаланинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини жамоатчилик, бухгалтерларнинг профессионал бирлашмалари, молия ва иқтисодчи мутахассислар, бизнес вакиллари ва хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирокида кенг муҳокамадан ўтказишга келишиб олинди.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎТГАН ЙИЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 85 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 74 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

МУНОСАБАТ

■ Ватанини севадиган, оиласини қадрлайдиган, ота-онасини ҳурмат қиладиган фарзанддан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, у ён-атрофида бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамайди, Ватани учун керак бўлса жонини ҳам аямайди.

ЯНГИЛИКЛАР

2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Хитой, Италия, Франция, Португалия, Болгария, Япония, Греция, Чехия, Россия каби 24 давлатда бўлиб ўтган 53 нуфузли халқаро спорт мусобақаларида 479 нафар иқтидорли ёшларнинг иштироки таъминланди. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Мустақиллик фарзандлари

ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этишмоқда

Халқаро мусобақаларда спортнинг 27 турида қатнашган ўқувчиларимиз умумий ҳисобда 314, шундан 140 олтин, 83 кумуш, 91 бронза медалларни қўлга киритишди. Қувонарлиси, 2014 йилга нисбатан олтин медаллар сони 14 тага кўпайган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

Аляскага биринчи чартер дастурини амалга оширди

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Аляскага илк чартер дастурини амалга оширди. Бу ҳақда UzDaily хабар бермоқда.

Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг Boeing-757 авиалайнерида, ушбу дастурга мувофиқ, 540 нафар японияик сайёҳ АҚШнинг Аляска штатида жойлашган Фэрбенкс шаҳрига етказилди.

Тошкент — Осака — Токио — Ногая — Фэрбенкс — Тошкент йўналиши бўйича бундай мураккаб рейс биринчи марта амалга оширилди.

Ишлайман, деганга иш бор

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Булунғур саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда тумандаги 10-умумтаълим мактабида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси хабар бермоқда.

Унда туманнинг йигирмата корхона-ташкилотлари ва муассасаларидан ташқари, Самарқанд шаҳри ва Жомбой туманида фаолият юритаётган ўттизга яқин саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари томонидан 250 дан зиёд бўш иш ўринлари таклиф этилди.

— Ўтган йили Тошкент педагогика университетининг тарих факультетини тамомладим, — дейди **Самариддин Мирзараҳимов.** — Мазкур ярмаркада Булунғур қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига ишга жойлашиш учун йўлланма олдим. Бу нафақат ўзим, балки отаонам, яқинларим учун ҳам қувончли воқеа бўлди.

Ёшлар таълим-тарбияси — долзарб, муҳим масала

Баҳриддин ЗАЙНИДДИНОВ, Тошкент солиқ коллежи директори

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбийлар, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари олдига масъулиятли, муҳим вазифалар қўйди.

Табрикда қайд этилганидек, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, маънавий қадриятларимиз, маданият ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳеч қайси бир миллат, мамлакат ёки ота-она йўққи, фарзандини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб улғайишини истамаса. Эртанги кунини ўйлаган халқ, давлат бу масалага жиддий эътибор қаратади.

Мазкур йўналишдаги муҳим вазифалардан бири бу — тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, ёшларни Ватанга садоқат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга муқаддас бурч сифатида қараш каби туйғуларни камол топтиришдир. Шу ўринда, айниқса, таълим муассасаларида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги дарслар, учрашувлар, тадбирлар савиясини кўтариш, мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштириш, бир сўз билан айтганда, янада юксалтириш долзарб масалага айланмоқда.

Бугун дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, турли низолар келиб чиқишининг асосий омилларини таҳлил этар эканмиз, Президентимиз табрикда ўртага ташлаган масала қанчалик муҳим эканини янада теранроқ англаймиз.

Қайси мамлакатда ёшлар масаласи эътибордан четда қолган, маънавий қадриятлар оёқ-ости қилинган бўлса, ўша жойда парокандалик, инқироз кузатилмоқда. Буни шу кунларда хорижий мамлакатларда бўлаётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Турли хуружлар, ғоявий таҳдидларга қарши тура оладиган, ўз мустақил фикри, дунёқарашига эга бўлган йигит-қизлар ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлигидир.

Шу кунларда зиёлилар, жамоат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар, маданият, санъат ва спорт каби соҳаларнинг кўзга кўринган намояндалари бу жараёнда янада фаол иштирок этиши, ҳам сўзда, ҳам шахсий ибрати билан

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Таълим муассасаларида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги дарслар, учрашувлар, тадбирлар савиясини кўтариш, мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштириш, бир сўз билан айтганда, янада юксалтириш долзарб масалага айланмоқда.

келажак авлодни Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, таҳдидларга қарши мардона курашиш руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиши талаб этилади.

Табрикда алоҳида таъкидланганидек, бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур.

Жаҳонда юз бераётган бугунги таҳликали вазият ҳар биримиздан, айниқса, ўқитувчи-мураббийлардан, ота-оналардан, маҳалла фаолларидан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этмоқда.

Фарзандларимиз таълим-тарбияси, дарсдан ташқари шуғулланаётган машғулотлари, оила муҳити, керак бўлса, унинг атрофидагилар, интернет тармоғидаги фаолияти барча-барчаси доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Бунда ота-она — таълим даргоҳи — маҳалла ҳамкорлигига таяниш, ҳар бир ҳалқанинг мустаҳкамлигини назорат қилиш жуда муҳимдир.

Бугун мамлакатимизда ёшларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқийман деганга, ҳунар ўрганмоқчи бўлганга, спорт билан шуғулланиш истагидагиларга имконият эшиклари очиқ. Мана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг қадрига етишни, улардан унумли фойдаланишни ёшларимиз онгига сингдиришимиз, мухтасар айтганда, уларни тўғри йўлга бошлашимиз, йўналтиришимиз зарур.

Ватанини севадиган, оиласини қадрлайдиган, ота-онасини ҳурмат қиладиган фарзанддан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, у ён-атрофида бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамайди, Ватани учун керак бўлса жонини ҳам аямайди. Демак, бизнинг, жамиятнинг олдида турган асосий вазифа ёшларимизни ана шундай фазилатларга эга кишилар қилиб тарбиялашдир.

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Испанияда нашр этиладиган «La Gaceta» газетасида «Фуқаролик жамиятининг ўзбек модели» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда фуқаролик жамиятининг ноёб институти — маҳалла ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

ИСПАНИЯ НАШРИ:

«Ўзбекистоннинг давлат ва жамият ҳаётида маҳалла муҳим ўрин тутади»

Мақолада қайд этилганидек, Ўзбекистон халқи асрлар давомида ўзини ўзи бошқаришнинг самарали механизмларини ўзида мужассам этган маҳаллаларда яшаб келади. У қадим замонлардан буён бир ҳудудда истиқомат қиладиган ва бир-бирларини ягона маънавий-ахлоқий, маданий қадриятлар, манфаат, анъана ва урф-одатлар боғлаб турадиган одамларнинг уюшмаси бўлиб келган.

«Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик органи сифатида қайта тикланди. У бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Бу институт жуда кўп ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишида, жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятларни асраш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ва жамоатчилик тартибини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда», деб ёзади «La Gaceta».

Нашр республикамизда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ва улар тобора мустаҳкамланиб бораётганини, унинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланиб қўйилганини алоҳида таъкидлаган. «Маҳаллалар одамлар манфаатларини ҳимоя қилгани ҳолда ижтимоий масалаларни ҳал этади», деб ёзади газета.

Нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда салкам ўн минг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётганини ҳам ўз ўқувчиларига маълум қилган. «Маҳалла катта ҳаётий ва ташкилотчилик ишлари тажрибасига эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқаролар орасидан икки ярим йил муддатга сайланадиган раис ва унинг маслаҳатчилари томонидан бошқарилади».

Шунингдек, мақолада маҳаллалар фаолияти кўламлари тобора кенгайиб бораётгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам қаламга олинган. Хусусан, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг бу институти илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатига тегишли 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни бажараётгани қайд этилган. Унда оила манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ва болаларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар маҳалланинг муҳим вазифалари сифатида санаб ўтилган.

Юқорида келтирилган далил ва рақамлардан келиб чиққан ҳолда, «La Gaceta» заминини бошқарувнинг демократик тамойиллари ташкил этган маҳалла Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклашаётганини таъкидлайди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Испаниянинг етакчи кундалик нашрларидан бири ҳисобланадиган «La Gaceta» газетаси мамлакатдаги йирик ва нуфузли «Intereconomia» медиа гуруҳининг тизимига киради.

«Жаҳон» АА,
Мадрид

XALQ BANKI

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Пластик карточкалар — қулай, тезкор ва ишончли

Бугунги кунда кундалик турмушимизни пластик карточкаларсиз тасаввур этишимиз қийин. Улардан харид чоғида, маиший сервис хизматларидан фойдаланишда, айниқса, коммунал тўловларда кенг фойдаланамиз. Нақдсиз ҳисоб-китоблар тезкор бўлиб, вақтимизни тежамоқда, исталган жойда ва шароитда масофадан туриб тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Молия муассасалари томонидан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина акциядорлик тижорат Халқ банкининг мижозларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда янги хизматларни жорий қилиш бўйича олиб бораётган самарали ишлари эътиборга молик. Чунончи, ўтган йил давомида Халқ банки томонидан ўрнатилган пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича терминаллар сони **3 365 тага** ошиб, **26 074 донага** етказилди.

Бундан ташқари, мижозлар **74 дона** инфокиоск, **1 300** дан ортиқ ридерлар ва **21 дона** банкоматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Ўтган йили банк пластик карталари ҳисобварақларига **3 195,0 миллиард** сўм миқдорида маблағлар кирим қилинди.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтган йил давомида Халқ банки томонидан ўрнатилган пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича терминаллар сони 3 365 тага ошиб, 26 074 донага етказилди.

Терминаллар орқали амалга оширилган тўловлар миқдори эса 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра **3 657,4 миллиард** сўмни ташкил қилди.

— Кўпдан бери Халқ банкининг мижозиман, — дейди **сурхондарёлик Мўътабархон Акбарова.** — Ҳар ой охирида телефонимга пластик карточкамга пул тушгани ҳақида хабар келади. Биз яшаётган жойдаги савдо шохобчаларининг барчасида терминаллар мавжуд. Рўзғоримга зарур маҳсулотларни пластик карточка орқали харид қилиш имконига эгаман.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг қарорларида 2009 йил 6 августдан бошлаб мамлакатимиздаги барча савдо объектлари пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун терминалларга эга бўлиши мажбурлиги ҳам белгилаб қўйилган. Бу ўз навбатида харид жараёнларидаги муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилмоқда.

— Ёшим 62 да. Менга тайинланган нафақани Халқ банки Нишон филиали томонидан берилган пластик карточка орқали олиб келмоқдаман, — дейди **қашқадарёлик Бердиназар Хўжаёров.** — Пластик карточкамга тушган маблағни «СМС-хабарнома» хизмати орқали ўз вақтида билиб тураман. Қўл телефоним орқали турли тўловларни мустақил тарзда амалга оширишни ҳам ўрганиб олдим. Бундан ташқари, банк ходимлари эҳтиёжимга қараб ҳисобимдаги маблағларни нақдлаштириб беришади. Муҳими, пластик карточка — қулай, тезкор ва ишончли.

Халқ банки мижозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатишни кенгайтириш бўйича бир қатор амалий ишларни олиб бормоқда. Бунинг самарасини оддий рақамларда ҳам кўриш мумкин. Ўтган йилда банк томонидан чиқарилган пластик карточкалар сони **731,9 минг донага** кўпайиб, **2 миллион 897 минг** донага етган.

Банк ахборот хизмати.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎТГАН ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИГА МУҲТОЖ ЁЛҒИЗ КЕКСА ВА НОГИРОНЛАРНИ ҲАР ОЙДА БЕПУЛ ТАЪМИНЛАШ УЧУН АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГИГИЕНА ТОВАРЛАРИНИНГ ЯНГИ РЎЙХАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

▪ Мамлакатимизнинг қишлоқ туманларида ҳам маданият ва дам олиш марказлари кўпаймоқда.

ЯНГИЛИКЛАР

Спортчи қизларга Президент совғалари

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» 3-Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган ўқувчи-қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топширилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Наманганлик спортчи қизлар мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, ўтган йили 49-умумтаълим мактаби ўқувчилари Севара Икромова, Федина Халитова Таиланд, Малайзия мамлакатларида ўтказилган сузиш бўйича халқаро турнирларда, 42-умумтаълим мактаби ўқувчилари — опа-сингил Татьяна ва Маргарита Алютина бадиий гимнастика бўйича «Қувноқ Карвон» халқаро мусобақасида ғолибликни қўлга киритдилар.

Шаҳардаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 2042 нафар қизга миллий ва замонавий дизайн уйғунлигида тикилган спорт кийимлари туҳфа этилди.

Халқ таълими вазири

онлайн-мулоқотда 100 дан ортиқ саволга жавоб берди

16 январь куни Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов билан онлайн-мулоқот бўлиб ўтди. Унда халқ таълими тизимига оид шикоят, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар бермоқда.

3 соатдан кўпроқ давом этган мулоқотда фойдаланувчилардан вазирликнинг электрон почта манзили ва «ишонч телефони»га келиб тушган 107 саволга жавоб берилди. Шунингдек, соҳани янада ривожлантириш, таълим-тарбия сифатини яхшилаш, педагог кадрларни рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлари ўрганиб чиқиш учун қабул қилинди.

«The New York Times» нашрида

миллий таомларимиз ҳақида

АҚШнинг нуфузли «The New York Times» нашрида ўзбек миллий таомлари ҳақида тақриз ёзилди. Мазкур тақриз нашрнинг «Instagram»даги саҳифасида эълон қилинди.

Миллионлаб ададда чоп этиладиган газетанинг таомлар рукнини юритадиган ходим Нью-Йорк шаҳрида ўтган йили иш бошлаган «Taste of Samarkand» («Самарқанд лаззати») номли ресторанда меҳмон бўлиб, миллий таомларимиздан татиб кўрди.

Саҳифага жойланган суратларда дастурхонда кўза шўрва, нўхат шўрак, сомса, тузланган сабзавотлар, қовурилган товуқ, сабзидан тайёрланган салат, шунингдек, нон ва чой қўйилганини кўриш мумкин.

«Ўзбек таомларининг мазасини тўлиқ ҳис қилишимиз учун бироз вақт зарур бўлади. Аммо бу айни муддао», — деб ёзади газета мухбири.

Китобнинг «янги саҳифалари»

Китоб шаҳри марказидаги «Умид» санъат саройи эндиликда Маданият ва аҳоли дам олиш маркази, деб аталмоқда. Бу улкан бинонинг фақат номи эмас, балки қиёфаси ҳам ўзгарди.

Дарҳақиқат, разм солинса, замонавий меъморчилик талаблари асосида таъмирдан чиқарилгани кўриниб турибди.

— Бу бино анча вақтдан буён таъмирталаб бўлиб ётганди, — дейди **Китоб туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Яшин Тошев.** — Таъмирлаш учун катта маблағ керак эди...

Вазирлар Маҳкамасининг 2013-2016 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида вилоятда, жумладан, туманда катта ишлар бошланиб кетди. Жами 9 маданият ва дам олиш маскани бир тизимга бирлаштирилди. Марказий, Санам, Тўпчоқ, Севаз, Паландара, Бектемир, Қайнарбулоқ, Макрид қишлоқларидаги биноларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланди. Танловда ғолиб чиққан Китоб ихтисослашган қурилиш ташкилоти таъмирлаш ишларини бошлади. Бу ишлар учун 584 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлса, ҳомийлар ҳам қараб туришмади. 290 миллион сўмга яқин ёрдам кўрсатишди.

Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватлари сифатли таъмирланди ва турли тўгараклар жойлашди. Томошалар зали ўзгача қиёфа касб этди. «Собиржон асл таомлари» фирмаси иккинчи қаватдаги хонани сифатли таъмирдан чиқарди. Бу ерда кун бўйи ишлайдиган ошхона ташкил этилди. Туман ҳокимлиги таклифи билан бинонинг ертўласи ҳам таъмирланиб, маданият ва спорт тўгараклари очилди.

— Қарийб ўттиз йилдан буён маданият соҳасида хизмат қилиб келаяпман, — дейди **Юсуф Раззоқов.** — Айни пайтда 12 тўгарак ташкил этилган. Мен раҳбарлик қилаётган рубоб ва миллий эстрада тўгарагига 20 нафар санъат ихлосманди қатнаяпти. Бундан ташқари, «Садо», «Китоб гуллари» халқ ансамбллари фаолият кўрсатаяпти. «Ризвон гул» фольклор ансамблимиз «Онам айтган аллалар» Республика кўригида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

— Ишни йўлга қўйиш осон бўлмади, — суҳбатга қўшилади **Қашқадарё вилоят ҳаваскор ва профессионал муайтай спорти ассоциацияси бошлиғи Худойберди Раҳмонов.** — Ҳомийларга раҳмат, катта ёрдам кўрсатишди. Хоналарни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 200 миллион сўм сарфланди. Шу тарзда «Макс» спорт клуби ташкил топди. Аёллар соғломлаштириш зали ҳам тўла жиҳозланди. Музей учун хоналар ажратилди. Бундан ташқари, дорбозлар гуруҳи, овоз ёзиш студияси, интернет клуб ва бошқа тўгараклар учун алоҳида хоналар мавжуд...

Китоб туманида кўп ўзгаришлар, янгиликлар бўлмоқда. Бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги беш йилда амалга оширилган ишлар ичида «Умид» санъат саройининг мавқеи, аҳамияти ўзгача албатта. Бу бино санъат ва спортга, яъни маънавиятга, маърифатга, соғлом ва баркамол авод тарбиясига хизмат қилади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

— Президентимиз томонидан 2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб номланиши тиббиёт ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди, — дейди Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Суннатилло Усмонов. — Она ва бола саломатлигини бир биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада тиббий маданиятни ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларига эътиборни кучайтириш лозим.

Соғлом турмуш тарзи

инсон саломатлигининг бош омилидир

Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари жорий этилди. Биргина шаҳримиз мисолида айтадиган бўлсак, қатор даволаш муассасаларимиз реконструкция қилиниб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шаҳримизда 250 қатновга мўлжалланган катталар ва болалар поликлиникаси қуриб битказилиб, яқинда ишга туширилди. 80 ўринли қабул, диагностика, шошилинч ёрдам кўрсатиш бўлимининг қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди. Ушбу қурилиш ва реконструкция ишларига 4 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди. Ана шу рақамнинг ўзи ҳам тиббиёт соҳасига берилаётган катта эътиборнинг амалдаги тасдиғидир.

Шифокор сифатида тажрибамдан келиб чиқиб, баъзи фикрларимни айтсам. Инсон ўз саломатлиги ҳақида энг аввало, ўзи қайғуриши керак. Бунда асосий эътибор соғлом турмуш тарзи талабларига амал қилишга қаратилиши лозим. Биринчидан, доимий равишда спорт билан шуғулланиш зарур. Иккинчидан, турли зарарли одатлардан холи бўлиш керак. Учинчидан, ўзи истиқомат қилаётган тиббиёт муассасасига бориб, бир йилда камида тўрт марта тиббий кўрикдан ўтиши шарт.

Бу омиллар инсон умрини узайтиради, касалликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш имконини беради.

Бугун мамлакатимиз тиббиёти жуда тез тараққий этиб бормоқда. Бироқ ҳар бир киши ёшлигидан ўз соғлигига ўзи эътиборли бўлса, саломатлиги мустаҳкам бўлади. Касалликни даволашдан кўра, олдини олиш осон ва муҳимдир. Бунга эса айнан соғлом турмуш тарзи орқали эришилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Равшан ШОДИЕВ ёзиб олди.

ТАДБИР

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбирни институтнинг Фарғона, Самарқанд, Қарши, Урганч ва Нукус филиаллари курсантлари, ота-оналари ҳам онлайн-видео тасвир орқали кузатиб боришди.

Армиямиз суянчи ва таянчи

— Ҳарбий таълим соҳасида олиб борилган изчил ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Файзуллаев.** — Ҳарбий билим юртлари ва улардаги факультет ҳамда кафедралар сони ошганлиги, Қуролли Кучлар академияси ташкил этилганлиги, сержантлар тайёрлаш мактабларини битираётган профессионал ҳамда ҳар томонлама етук сержантлар ҳозирги кунда армиямизнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланди. Президентимиз таъкидлаганидек, Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу — армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир.

— Университетимизнинг махсус факультети Қуролли Кучлар сафига алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари йўналишида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаб келмоқда, — дейди **Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Ҳаким Муҳитдинов.** — Факультет моддий-техник базаси замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари асосида такомиллаштирилди, ўқув жараёни давлат таълим стандартлари мезонлари асосида ташкиллаштирилди, ахборот ресурслари базаси ҳамда шахсий таркибни қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилди.

Тадбир давомида марҳум лейтенант Бобур Ганиев хотирасига бағишлаб таъсис этилган стипендия махсус факультетнинг 5-босқич курсанти Беҳруз Муҳаммадовга топширилди.

— Ўғлим тўғрисида фақат яхши гаплар эшитаман, шундай мард, ҳалол фарзандни ўстирган эканман, деб ўзимга-ўзим тасалли бераман. Ўғлим Ватанини, халқини ҳимоя қиламан деб ҳалоқ бўлди. Мен ўғлим билан фахрланаман, — дейди **махсус факультетнинг битирувчиси, марҳум Бобур Ганиевнинг онаси Мунаввархон ая.**

Шунингдек, тадбирда вазирлик, университет томонидан иқтидорли курсантларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида Мудофаа вазирлигининг «Қуролли Кучлар» ансамбли ижросида куй-қўшиқ тингланди, университет талабаларининг бадиий чиқишлари бўлиб ўтди.

Шаҳбоз САИДОВ

СПОРТ

Тезкор гол

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ғалабаси учун камлик қилди

Доҳа (Қатар)да ёшлар (U-23) ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда.

Мусобақанинг «С» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси навбатдаги учрашувда Ироқ футболчиларига қарши майдонга чиқди. Ўйинни ҳужумкор руҳда бошлаган ҳамюртларимиз илк дақиқада ҳисобни очди. Осиёнинг 2015 йилдаги **«Энг яхши ёш футболчиси» номинацияси ғолиби Достонбек Ҳамдамов** 12-сонияда ироқликлар дарвозасини ишғол этиб, мусобақа тарихидаги энг тезкор гол муаллифига айланди.

Афсуски, учрашувнинг қолган дақиқаларида рақибга ташаббусни бериб қўйган Самвел Бабаян шогирдлари мағлубиятга учради — 2:3. Шундай қилиб, қаторасига иккинчи ўйинни муваффақиятсиз ўтказган ёшларимиз кейинги босқичга чиқиш имкониятини бой беришди.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Жанубий Корея вакиллари яманликлар дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллаб, Ироқ терма жамоаси билан бирга муддатидан илгари «плей-офф» босқичига йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, Қатар («А» гуруҳи) ҳамда Япония («В» гуруҳи) вакиллари ҳам ана шундай муваффақиятга эришган.

Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сўнгги учрашувни 19 январь куни Яман футболчилари билан ўтказади.

Эркин ХОЛБОБО

РЕКЛАМА

ОБ-ҲАВО 19-20.01 — 2016

Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-3 / +2	+5 / +10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-3 / +2	+12 / +17
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
0 / +5	+10 / +15
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
0/ +5	+12 / +17
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
0 / -5	+5 / +10
Тошкент шаҳри	
-1 / -3	+10 / +12

Дунё бўйлаб (°С)	
Лондон	+4/ +5
Париж	+3/ +5
Москва	-7/ -9
Мадрид	+9/ +9
Пекин	-1/ 0
Канберра	+34/ +34
Рим	+9/ +11
Афина	+10/ +8
Токио	+7/ +9
Стокгольм	-6/ -7
Кейптаун	+33/ +33
Қоҳира	+17/ +18
Гавана	+19/ +23

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17390 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 00.20
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6